



«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
«ФАРГОНА ВИЛОЯТ ИИБ  
М ВА МТТБ БОШЛИГИ»

«08» ноябрь 2022й

**Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун**

## **ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

**Фаргона -2022**

**Танлов хужжатларининг мазмуни:**

- I. Танлов иштирокчилари учун йурикнома**
- II. Техник қисм**
- III. Нархлар қисми**

# ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН Й^РИКНОМА

## 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТЫ ВА ТАХМИНИЙ КИЙМАТИ

**1. Танлов предмета:** Пылесос- пылесборник контейнер мощность всасывания 420 Вт потребляемая мощность 2000 Вт Основные характеристики зарегистрированный торговый знак автоматическое прессование пыли Есть Турбощетка Выглядит как насадка с крутящимся валиком и жёсткими щетинками. Она собирает с пола и ковра пыль, шерсть, нитки и волосы – то, что обычный пылесос не сможет. Есть Длина сетевого шнура 8 м уровень шума 77 дБ фильтр тонкой очистки есть пылесборник пыль и различные загрязнения накапливаются в мешочке, из которого они должны регулярно удаляться. Контейнер потребляемая мощность Это численная мера количества электрической энергии, необходимой для функционирования электроприбора или преобразуемой им в процессе функционирования 2000 Вт Число ступеней фильтрации 8 Дополнительно Регулятор мощности На рукоятке Габариты и вес 6 Комплектация Труба всасывания Телескопическая Насадка пол/ковёр Есть Насадка для мебели Есть Насадка щелевая Есть 2-в-1 для пыли Есть год 2022 штук 14\*1 700 000=23 800 000

• **Танлов киймати : 23 800 000 (Йигирма уч миллион саккиз юз минг) сум .**

1.2. Махсулот буйича Техник топширик; танлов хужжатларининг техник кисмда илова килинган.

**Ушбу танлов якунлари буйича голиб чиккан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.3. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 2022 йил охиригача .

1.5 Ишларни бошлаш муддати- биржа савдоси тугаган кундан бошлаб хисобланади.

## 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. ФАРГОНА ВИЛОЯТ ИИБ (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлав ташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи” манзили:, Фаргона шаҳар Навоий

13 Эл.адрес:iib.mtx@mail.ru

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар утказиш буйича тузилган Харид комиссияси томонидан утказилади

2.3. Танлов ФАРГОНА ВИЛОЯТ ИИБ “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда утказилади.

## 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар курсатишга ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга булган барча юридик макомга эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар куйилади:

танлов предмета кийматининг камида 30 фоизи микдоридеги айланма маблагларининг ёки курсатиб утилган маблагларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур булган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фукаролик-муомала ҳукукий лаёкат ва ваколатлар; танлов объектига ухшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги; уз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тугрисидаги маълумотлар; танлов объектида уз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мулжалланаётган хажми (50 фоиздан кам булмаган холда);

Низом маблаг микдори.

3.3. Агар танлов предмети булган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият конунчилиқка биноан лицензиялаштириши зарур булса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга булган талабгорларга рухсат этилади.

#### **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ**

4.1. Иштирокчилар уз таклифларини электрон курунишда (etender.uzex.uz ) порталига электрон танловлар утказиш учун жойлаштиришли л озим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кура узбек ёки рус тилида такдим этилиши мумкин.

4.3. танлов хужжатларида куйидагилар такдим этилиши лозим:

- Техник кисм, “Буюртмачи” томонидан куйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар курсатилиши керак;

- Нархлар кисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, туловлар тартиби ва якуний туловлар ва бошка боглик курсаткичлар курсатилган булиши керак.

4.4. Куйидаги хужжатлар тулик булиши талаб этилади:

Техник ва нархлар буйича куйидаги таклифлар:

- Техник хужжатлар руйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ухшаш хужжатлар руйхати илова килинади);

4.5. Танлов иштирокчиси:

-факат битта таклиф бериши мумкин;

- такдим этилаётган хужжатларнинг хакикийлиги ва маълумотларнинг хакконийлигига тулик жавобгар булади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга кадар уз таклифларини кайтариб олиш ёки узгартириш киритиш хукухига эга.

#### **5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАР ЛИГИ**

5.1. Давлат харидлари тугрисидаги Конун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар буладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари буйича конунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниқдаш ва асосланган карор кабул килиш буйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси такдим этилган барча хужжатларни хакикийлиги ва тугрилига жавобгардир. Толиб иштирокчи деб топилгандан сунг конунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан урнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

#### **6. БОШКА ШАРТЛАР**

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига узгартишлар киритиш тугрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин карор кабул килишга хакли. Товарни (ишни, хизматни) узгартиришга йул куйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига узгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда курсатилган ахборот узгартирилган булса, танлов утказиш тугрисидаги эълонга узгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов утказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига суров юборишга хакли. Суров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур суров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган булса, ушбу суровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг коидаларига дойр тушунтиришлар уларнинг мазмун- мохиятини узгартирмаслиги керак.

7.1. Таклифларни куриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кучирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.2. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни куриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига дойр тушунтиришларни такдим этиш тугрисида суров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай суров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни такдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари буйича шартнома танлов ҳужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда курсатилган шартлар асосида тузилади